# ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!


# Тошкент оқшоми

2014 йил 28 август, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 171 (12.732)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







## ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР





***Саноқли кунлардан сўнг юртимизнинг барча ҳудудларида Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги байрами кенг нишонланади. Шаҳримизнинг обод ва файзли гўшаларидан бири бўлмиш Юнусобод тумани ҳам энг азиз байрамга ўзига хос ютуқлар билан пешвоз чиқмоқда.***

1936 йилда ташкил топган туманнинг умумий ер майдони 41,1 квадрат километр бўлиб, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра аҳоли сони 312,4 минг нафарга етган. Туманда 58 та маҳалла, 1114 та кўп қаватли, 14091 та якка тартибдаги уй-жойлар, 477 та кўча мавжуд.

Туманда 4835 та микрофирмалар, 725 та кичик, 504 та хорижий инвестициялар иштирокидаги, 9 та асосий саноат, битта йўловчиларни ташиш корхоналари фаолият юритиб келмоқда.

Давлатимиз томонидан аҳолининг соғлом ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Соғлом бола йилида тиббиёт соҳасига эътибор янада кучайгани сир эмас. Туманда 19 та тиббиёт муассасаси бўлиб, уларнинг ҳар бири замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланган ва ўз касбининг малакали мутахассислари фаолият юритмоқда.

Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун туманда 2 та кинотеатр, 5 та маданият уйи, битта маданият саройи, 4 та музей, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг мириқиб сайр қилишлари учун Япон боғи, болалар АКВА парки ҳамда ҳайвонот боғи мавжуд.

Спорт инсоннинг нафақат жисмонан соғлом, балки ақлан ва маънан баркамол бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шуни эътиборга олган ҳолда туман ҳудудида жойлашган 2 та теннис корти, битта бадиий гимнастика зали, 7 та сузиш ҳавзаси ва 12 та мини-футбол майдонларидан ҳамшаҳарларимиз унумли фойдаланиб келмоқда.

Туманда таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Мавжуд 39 та умумтаълим мактаби, 62 та мактабгача таълим муассасаси, 6 та касб-ҳунар коллежи, 6 та академик лицейи ва 4 та олий таълим муассасаси ёш авлод камолоти йўлида самарали хизмат қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги байрамини кенг нишонлашда Юнусобод тумани аҳолиси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётганига гувоҳ бўлдик.

*(Юнусобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)*



***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий ва маданий тадбир бўлиб ўтди.***

## БОҒДА БАЙРАМ НАШИДАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият-тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳамда Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ушбу байрам тадбирида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, касаба уюшма фаоллари, корхона, ташкилотлар, маҳаллалар вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

— Тадбирда қатнашаётган фаол аёллар, тадбиркорлар, ҳунармандлар, турли танловлар ғолиби бўлганидан ғурурланиб турган ёшлар, қўйингчи, жажжи кичкинтойларнинг қувончу шодлиги, улуғ айём кўтаринкилиги кўнгилларни фахр-ифтихорга тўлдирмоқда, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. — Бу албатта Истиқлолимиз шарофати, тинчлик-осойишталигимизнинг файзу тароватидир. Бугунги дориломон кунларга шукроналар келтираётган бобою бувижонларимизнинг дуолари албатта ижобат бўлади. Юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг камолоти учун ҳамиша хизматга шаймиз.



— Маҳалламизда иқтидорли ва истеъдодли ёшлар, спортнинг бадиий гимнастика, қўл жанги, теннис каби турлари билан шуғулланиб, халқаро мусобақаларда қатнашиб чемпионлик камарини тақиб келган спортчи ўғил-қизларимиз кўпчиликни ташкил этади, — дейди «Ўрда» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Шокирова. — Ёшларимизнинг ҳар бир соҳада эришаётган ютуқлари албатта мустақиллигимиз, тинчлик-осойишталигимиз шарофатидир.

Тадбир давомида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларидаги ижодкор ёшлар, маҳаллалардаги тадбиркорлар, ҳунармандлар томонидан тикувчилик, каштачилик, осори-атиқа намуналаридан ташкил этилган кўргазмалар ва уларда муассасаларнинг замонавий техник анжомлар билан жиҳозланиши, етук мутахассислар билан таъминланиши, эришилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинганлиги барчанинг эътирофига сазовор бўлди.

Тадбирда шунингдек, байрам тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашган, эришилган ютуқларда муносиб ҳисса қўшган туман ҳокимликлари, бошқармалар, жамоат ташкилотлари, фидойи инсонлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари томонидан муносиб тақдирланди. Бу борада биринчи ўрин Чилонзор тумани, иккинчи ўрин Шайхонтоҳур ва ниҳоят учинчи ўрин Миробод туманлари ҳокимликларига насиб этди. Улар шаҳар ҳокимлигининг «Фаол иштироки учун» дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Қолган туманлар ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотларга ҳам турли номинациялар бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Шунингдек, тадбирда ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ибратли оилалар, иқтидорли ёшлар, касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган заҳматкаш мутахассисларга ҳам Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Энг эъзозли байрам арафасида кўтаринки руҳда ўтган ушбу тадбирда элимиз суйган санъаткорлар, Ўзбек Миллий драма театри актёрлари, «Шод» гуруҳи, «Марварид» болалар ашула ва рақс ансамбли, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ижросида янграган шўх қўшиқ ва рақслар барчага хуш кайфият улашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар**

**Ислом Исмоилов олган суратлар**



## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Хотин-қизлар қўмитаси ва Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида» мавзусида семинар ўтказилди.**

**• Жиззах вилояти Фориш туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган «Боғдон» наслчилик заводида хўжаликлараро наслли қўчқорларни алмаштириш ва сотиб олишни таъминлаш бўйича анъанавий кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

**• Энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида Самарқанд вилояти Ургут туманида янги истироҳат боғи фойдаланишга топширилди.**

**• Бухоро шаҳридаги «Azrus textile» Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида янги лойиҳа амалга оширилди – синтетик тола ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.**

**• Андижонда ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ўзаро самарали ҳамкорлиги масаласига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтларини ташкил қилиш, «электрон ҳукумат»ни жорий этиш йўли билан давлат бошқаруви тизими фаолияти фаоллигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.**

### ЖАҲОНДА

**• «Чегара билмас шифокорлар» халқаро хайрия ташкилоти президенти Жоанна Лю Эбола безгагининг Ғарбий Африкада тарқалиб кетиши устидан назоратни қўлга олиш учун ярим йил зарур бўлишини айтди. Унинг айтишича, айни пайтдаги вазият жуда қалтис, шу сабабли Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидан кўп куч талаб этилади. Либерияда вирусни енгиш орқалигина бутун Ғарбий Африкадаги вазиятни барқарорлаштириш мумкин. Энг кўп қурбонлар Гвинея, Либерия ва Сьерра-Леонеда қайд этилган.**

**• Калифорнияда табиий ёнғинлар авж олмоқда. Марказий Калифорниядаги Оукхерст шаҳрининг 1500 дан ошиқ аҳолиси ва меҳмонларининг кучли табиий ёнғин туфайли хавфсиз жойга кўчирилиши эълон қилинди.**

**• Хиросима шаҳри чеккасидаги аҳоли яшаш жойларида юз берган кўчки туфайли 51 нафар одам ҳалок бўлган. Шу билан бирга, 30 дан ошиқ одам ҳалокат вақтида қариндошлари ва яқинларини йўқотган.**

# ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!





*Шаҳримизда осмон билан бўйлашган маҳобатли, фусункор ва кўркам бир кошона борки, унга ҳар қандай таъриф камлик қилади. Бу ўз техник имкониятлари билан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган 375 метрли Тошкент телеминорасидир.*

## ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР







## НОЁБ ДУРДОНА

Тошкент телеминораси ҳамманинг диққат марказида бўлган муҳим ва мураккаб, бетакрор иншоот ҳисобланади. Истиқлол шарофати боис телеминорада шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун қатор қулайликлар яратилди. Чунончи, 110 метр баландликда жойлашган «Коинот» ресторанининг «Алвон» зали ҳар бир кишида ажиб бир хуш кайфият уйғотади. Телеминора музейида эса дунё мамлакатларининг 22 та минорасининг макети ва уларга тегишли бўлган маълумотлар ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, телеминорада ташкил қилинган ушбу музей Бутунжаҳон буюк миноралар жамиятига аъзо мамлакатлар ичида ягонадир. Миноранинг асосий қисми 100 ва 200 метрни ташкил этади. 200 метрдан сўнг эса антенна қисми бошланади. Иншоотда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази давлат унитар корхонасининг Тошкент радиотелеузатиш маркази филиали фаолият юритади. Бу эса радио ва телеканаллар тўлқинларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти аҳолисига узатиш имконини беради. Ва айни вақтда у орқали республика об-ҳавосини кузатиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Марказда барча зарурий махсус асбоб-анжом ва ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, ходимлар ўртасида тез-тез ўқув йиғинлари ташкиллаштириб турилади. Тошкент радиотелеузатиш марказида амалга оширилаётган ишларда бевосита Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг кўмаги ҳамда телеминорада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Телеминорада сайёҳлар учун юқори даражадаги барча шарт-шароитлардан иборат қулайлик яратиб берилди. Ўтган йилларда катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Икки қаватли кириш мажмуасининг ишга тушиши, минорага ташриф буюрувчилар учун махсус ёпиқ йўлакнинг фойдаланишга топширилиши шулар жумласидандир. Янги қурилган бинога 2005 йилда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази кўчиб ўтди. Энг муҳими, телеминоранинг архитектура кўриниши сақлаб қолинди. Ўйлаймизки, телеминорага ташриф буюрувчи ҳар бир киши тенгсиз бир гўзалликни ҳис қилиб, сирли туйғулар оғушида шаҳримиз бетакрор жозибасидан яна бир бор баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Тошкент телеминораси нафақат техник иншоот, балки пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган ноёб архитектура дурдонаси ҳамдир. 2013 йилда ўрнатиб ишга туширилган, Германиянинг дунёга машҳур «Tyssen Krupp» фирмасида ишлаб чиқарилган тезюрар учта лифтнинг сониясига тўрт метр баландликка кўтарилиши ҳам сирли тилсимга ўхшайди. Телеминора доимо сайёҳлар билан гавжум. Зеро, осмон қадар баландликка чиқиб гўзал шаҳримиз манзараларини томоша қилиш, ундан завқланиш ҳар қандай кишининг бахри-дилини очиб юборади.

***Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқаришнинг барча йўналишлари қатори озиқ-овқат саноати, хусусан, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам тобора ривожланиб бормоқда.***

**Иқтисодиёт**

## ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Юнусобод туманидаги «Боботеҳқон» маҳалласида жойлашган «IBRAGIMOV X.N» хусусий корхонаси ҳам шулар жумласидандир. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари бозорлар пештахтасидан ўрин олиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этиляпти.

2009 йилдан буён фаолият олиб бораётган мазкур корхонада бугунги кунда Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан олинадиган табиий сутдан кунига 25 тонна қатиқ, қаймоқ, сметана, сариёғ, йогурт, пишлоқ, бринза сингари 42 хилдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳсулотлар «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналарга, шунингдек, супермаркет ва озиқ-овқат дўконлари орқали аҳолига етказилади. Бундан ташқари ҳозирда корхонанинг пойтахтимизнинг барча туманларида йигирмага яқин савдо шохобчалари фаолият олиб бормоқда.

— Юздан ортиқ ишчи-ходим саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг етти ойи мобайнида қарийб 6100 тонна маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди «IBRAGIMOV X.N.» хусусий корхонаси директор ўринбосари Баҳром Исомуҳаммедов. — Келгусида иш ўринларини кўпайтириб, маҳсулотимизнинг сифатини оширишни режалаштирганмиз.

**Таълим**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА МУНОСИБ СОВҒА

***Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги байрами олдидан шаҳримиздаги кўпгина таълим муассасалари қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилмоқда.***

Жумладан, туманда жойлашган 70-сонли умумий ўрта таълим мактаби ҳам жорий йилда капитал реконструкция қилинди. «Турон навқирон қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида мактабнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

— Таълим масканимизда олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида барча синф хоналари, спорт, фаоллар заллари, кириш йўллари замонавий қиёфа касб этди, — дейди мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Васила Ишхаджаева. — Ўқитувчилар ўқувчиларга барча фанлардан таълим-тарбия бериб, эртамиз эгаларининг билимларини янада бойитишмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларининг инглиз тилини мукаммал ўрганишлари учун алоҳида иккита махсус хона ажратилди. Мактабнинг биринчи тоифали инглиз тили ўқитувчилари Ҳилола Маҳмудова ва Камола Нажмиддиновалар уларга бириктирилди.

Мактабни айланар эканмиз, Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш муносабати билан кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мактаб ҳовлисида ландшафт барпо этилганлиги, мавсумий гуллар экилганлиги, ариқлар тозаланганлиги, дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилганлиги шулар жумласидандир.

***Ёш авлоднинг соғлом тарзда вояга етишида спортнинг аҳамияти катта. Шуни эътиборга олган ҳолда болалар спортини ривожлантириш мақсадида юртимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўзига хос ютуқларни қўлга киритган ҳолда фаолият юритмоқда.***

**Болалар спорти**

## ТЕРМА ЖАМОАГА НОМЗОДЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Бадиий гимнастика бўйича Болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 августдаги Қарори билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Универсал спорт саройи негизида Республикада бадиий гимнастикани янада ривожлантириш, иқтидорли болаларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни, ўқувчи-ёшларни бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг сафидан мамлакат терма жамоаларининг ишончли захирасини шакллантириш мақсадида ташкил этилган.

Болалар учун мўлжалланган мазкур спорт даргоҳи мактабдан ташқари спорт таълими муассасаси интернат шаклида бўлиб, ўқиш муддати беш йил.

— Мактабимизга ҳар йили ўн ёшдан ўн икки нафар иқтидорли ўқувчи-спортчилар қабул қилинади, — дейди Бадиий гимнастика бўйича Болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби директори Фахриддин Сагдуллаев. — Айни вақтда мактабда Республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Жиззах, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан 1999, 2002, 2003 йилларда туғилган 36 нафар қиз таҳсил олмоқда.

Дарвоқе, шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 1999 йилда туғилган Нилуфар Шамурадова, Зульфия Юлдашева, Фарангиз Шадиева, Комилабону Рустамова каби ўқувчи-спортчилар Ўзбекистон Республикаси ўсмирлар миллий терма жамоаси сафига қабул қилинган.

Мактаб спорт зали фақатгина соҳа ўқувчи-спортчиларининг базаси бўлибгина қолмасдан, балки спорт гимнастикаси ва батут бўйича ёшлар ҳам шуғулланиб ўз тажрибаларини оширмоқдалар.

Жумладан, мактаб залида Республикамизнинг етакчи спортчилари – Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Д.Рахматова (яккалик баҳсларида), З.Курбанова, Л.Ганиева, О.Кирьякова, Е.Ларионова, М.Ростобурова, Е.Бухенко (гуруҳ баҳсларида), Е.Хилько (батут), А.Фокин (спорт гимнастикаси) ва бошқа спорт усталари ўз ўқув-спорт машғулотларини ўтказмоқдалар. Спортчилар залда бадиий гимнастика бўйича олий тоифали мураббийлар Т.Абдураманова, Л.Поливанова, А.Малкина, Л.Власова, С.Каримова, И.Кудряшева, шунингдек, спорт гимнастикаси бўйича олий тоифали мураббийлар, аёллар терма жамоаси катта мураббийи Л.Ли, эркаклар терма жамоаси катта мураббийи Н.Пак ҳамда батут бўйича катта мураббий Р.Якубоваларнинг алоҳида эътиборида машғулотлар ўтказадилар.

Мазкур спорт маскани фаолияти билан танишар эканмиз, зал фақатгина профессионал эмас, балки бадиий гимнастика бўйича 5-7 ёшли спортчилар учун ҳам очиқлигини ва шундай ёшдаги болалар шуғулланаётган спорт-соғломлаштириш гуруҳи қизлари сони 220 нафарни ташкил этаётганидан бохабар бўлдик.

Шунингдек, 7-12 ёшли спортчиларнинг бошланғич тайёргарлик гуруҳлари, 7-17 ёшли спортчиларнинг ўқув-машғулот, 12-20 ёшли спортчиларнинг спортда камолотга эришиш ва 15-21 ёшли спортчиларнинг олий спорт маҳорати гуруҳлари фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ушбу бинода мактаб ўқувчи-спортчилари учун барча шароитлар яратилгани қувонарлидир.

**Саҳифа материалларини Зафар НАЗАРОВ тайёрлаган**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

## ЭЪТИРОФ ВА ИФТИХОР РАМЗИ

***28 август – «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилган кун***





Инсон омили улуғланган, меҳнати қадрланган юртда тараққиёт ва ривожланиш, қут-барака бўлади. Мамлакатимиз шаъну шавкатини улуғлаб, ўзининг фидокорона меҳнати билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни рағбатлантириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир.

1998 йил 28 августда таъсис этилган «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, ёш авлод истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанимизнинг нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз самарали ва баракали меҳнатининг амалдаги эътирофи бўлиб хизмат қилаётир.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мамлакатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга, ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб тарбиялашга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан кўпчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади.

Ушбу юксак мукофот мамлакатимизни янада равнақ топтириш, буюк аждодларимизга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишда юртдошларимизга кучли рағбат бўлиб хизмат қилмоқда.

Орденнинг марказида, доирада қизил йўл билан ҳошияланган Регистон мажмуи тасвирланган. Бу – қадимий, гўзал ва ҳамиша навқирон Ватанимиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани, ана шундай теран илдизларга эга халқ эканлигимиз ва айни пайтда бунга муносиб бўлишга муттасил ҳаракат қилишимиз зарурлигига ишора.

Регистон тасвири ортида водийлар, тоғлар, мовий осмон узра қуёш тасвирланган. Бутун тасвир шаффоф эмаль билан қопланган бўлиб, айлананинг пастки қисмида осуда кунларда тўкис ҳаётни барпо этадиган илҳом завқи, қувончи, ҳурмат ва шуҳрат рамзи бўлган дафна новдаси ўрин олган.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари ҳамда бошқа нуфузли спорт анжуманларида зафар қозонган, ўз ютуқлари билан Ватанимиз шону шуҳратини юксалтиришга, табаррук диёримиз довруғининг дунёга янада кенгроқ ёйилишига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида кумушранг югуриш йўлкалари билан ўралган стадион тасвирига туташ Олимпия ўйинлари рамзи – беш ҳалқа, шунингдек, давлатимиз гербини тутиб турган икки қўл ифодаланган.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси, профессионал маҳорати ва ёрқин истеъдоди билан спорт соҳасида юқори натижаларга эришган ўнлаб спортчиларимиз «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланган.

Ўз меҳнати самарасини кўриш, Ватан равнақи йўлидаги ҳалол хизматлари эътироф этилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиш, мамлакатнинг ифтихорига айланиш ҳар бир инсон учун чин шараф, катта бахт, энг олий саодатдир.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

